



O'ZBEKISTON

ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956-YIL 4-YANVARDAN
SHIQA BOSHLAGAN

АДАБИЙ-БАДИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, ИЖТИМОИЙ ГАЗЕТА

№ 33 (4535)
2019 ЙИЛ 16 АВГУСТ

БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИК: НАТИЖАЛАР ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 14 август куни мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2019 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишларни муҳокама қилиш ҳамда 9 ой ва йил якуни бўйича белгиланган прогноз параметрларига эришишни таъминлайдиган устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари раҳбарлари, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва тижорат банклари раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда макroiқтисодий барқарорликни таъминлаш, ёқилғи-энергетика, қайта ишлаш sanoati ва агросаноат тармоқларини модернизация қилиш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий соҳаларни яхшилаш, аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар натижалари чуқур таҳлил қилинди.

Бундан буён Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарлари, вазирлар, кўмиталар ва хўжалик бирлашмалари раислари ўзларининг иш услубини тубдан ўзгартириб, кўпроқ ҳудудларга, олис кишлоқларга бориб, муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишда ҳокимликлар, тадбиркорлар ва жойлардаги раҳбарларга амалий ёрдам бериши зарурлиги таъкидланди.

Бунда ҳар бир комплекс раҳбари вазирлар билан бирга ҳар чоракда вилоятларга бориб, тегишли соҳалардаги мавжуд муаммоларни ҳал этиши ва натижалари бўйича вилоят халқ депутатлари кенгаши ва фаоллари олдидан ҳисобот бериши керак. Худди шундай, вилоятлар ҳокимлари ҳам ўз ўринбосарлари ва вилоят бошқармалари раҳбарлари билан бирга ҳар чоракда туманларга бориб, муаммоларни ҳал қилиб, туман халқ депутатлари кенгаши ва фаоллар олдидан ҳисобот беради.

Олий Мажлис палаталари ва Вазирлар Маҳкамасига раҳбар ва ҳокимларнинг пастга тушиб ишлаши ва ҳисобот бериши бўйича янги тизимни амалда жорий қилиш масъулияти юкланди.

Йиғилишда макroiқтисодий, таркибий ўзгаришлар, молия-банк тизими ва ҳусусий тадбиркорлик масалалари муҳокама қилинди. Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакат ялпи ички маҳсулоти 5,8 фоиз, sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6,9 фоиз ўсгани қайд этилди. Маҳаллий бюджетлар ихтиёрида 2,6 триллион сўмдан зиёд ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,5 баробар кўп маблағ қолдирилди. Бюджет даромадлари қарийб 51 триллион сўмни ёки прогнозга нисбатан 109 фоизни ташкил этди.

Банк тизимини тубдан ислох қилиш, замонавий банк хизматларини жорий этиш ва уларнинг сифатини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари нархларнинг кескин ошиб кетишининг олдини олиш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Тарифлар ва нархлар босқичма-босқич бозор механизмларида ўтаётгани боис мутасаддиларга инфляция ўсишининг олдини олиш бўйича зарур чоралар кўриш топширилди.

Йиғилишда ижтимоий соҳаларни янада ривожлантириш, хизматлар камрови ва сифатини ошириш бўйича кўшимча вазифалар белгилаб берилди.

Барча давлат идоралари ва корхоналарида тизимли ишлаш, қатъий тартиб-интизом, қабул қилинган қарорларни сўзсиз бажариш, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва амалий ёрдам бериш ислохотларимизнинг натижадорлигини таъминлашда асосий омил бўлиши зарур ва шарт, — деди Президент.

Муҳокама қилинган масалалар бўйича Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари, ҳудудлар раҳбарлари амалга оширилган ишлар самарадорлиги, 9 ой ва йил якуни бўйича қўлга келтирилган натижалар, бу борадаги устувор вазифаларни бажариш юзасидан ҳисобот берди. Йиғилиш якунлари бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Халқимизда: “Яхшилар дийдори жаннатдир”, деган ибора бор. Бундай давраларда ўзгача файз ва ҳуш кайфият бўлади. Гап-гапга қовушади. Сўхбат кўр олади. Сирдарё вилояти ҳокимлигининг Кабуллар уйида ана шундай мароқли сўхбат бўлди. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ташаббуси билан ўтказилган медиатур доирасида журналистлар ва вилоят ҳокими Ғофуржон Мирзаев ўртасида мулоқот ташкил қилинди. Яқиндагина бунёд этилган мазкур қошонадаги илк тадбир кўтаринки ва мароқли кечди.



СИРДАРЁДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

— Хорижий ҳамкорлар билан ҳашаматли саройда учрашганимизда, биз ҳам вилоятимизда шундай мухташам бино қуришни дилга тугиб қайтгандик, — дейди у. — Энди биз ҳам меҳмонларни, хорижлик ҳамкорларимизни эл-юртимиз нуфузига мос қошонада қабул қиламиз. Қўқонлик юз нафар уста ноёб ёнғок ёғочидан мана шу бетакрор устунларни миллий ўймакорлик усулида ясаб, саройга безак беришди...

Вилоят ҳокими амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапиряпти, биз эса тинглаш асносида Кабуллар уйининг ҳашаматли безак ва жиҳозларига беҳишёр кўз югуртирамиз. Маълумки, атроф-муҳит, иш ва яшаш шароити инсоннинг дунёқараши ҳамда маънавиятида акс этади. Обод ва файзли ҳаёт тарзини қурган одамларнинг оғуш-ниятлари ҳам кўтаринки бўлади.

Ғофуржон Мирзаев келгусидаги режалар, хусусан, инвестиция киритиш, туризмни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш каби масалаларга тўхтади:

— Бу йил баҳор серёғин ва серсув келди. Деҳқончиликда ҳам шунга яраша мўл ҳосил олишни режалаштирганимиз. Дунёга кўз-кўз

қилса арзийдиган анвойи неъматлар бизнинг туپроқда этилади. Биргина Сирдарё қовунларининг доғруғини олайлик. Бу қовунларни табиб кўриш учунгина келаётган сайёҳлар сони йилдан-йилга ошиб борапти. Энди анъанавий “Ковун сайли”миз қўлам ва мазмун жиҳатдан кенгайиб, маънавий ва гастрономик фестивалга айланиб борапти.

Илгари Сирдарё вилояти чўлга киёсланади. Бугун эса «Обод кишлоқ», «Обод маҳалла», «Обод марказ» дастурлари доирасида олиб борилаётган ишлар натижасида обод масканга айланди. Мухтарам Президентимиз айтганларидек, ҳар соҳада қўламини кенг олди. Икки-уч йилча аввал 8 та туман ҳам дотацияда эди. Бу йил ишни тўғри ташкил қилиб, вазиятни ўзгартирдик, ўтган йилнинг ўзида давлат бюджетига бир неча миллиард маблағ туширдик. Бу йил ҳам ялпи ички маҳсулотни 1,5 триллион сўмга етказишни мўлжаллаганимиз. Йил якунига 178 миллион доллар микдорда инвестиция киритишни режалаштирганимиз. Бу борадаги режаларимиз ўтган олти ойда қарийб 60 фоизга бажарилди.

РЕГИСТОНДА ДУНЁ САДОЛАРИ

Самарқанд шаҳрининг юраги бўлган қадим Регистон майдонида ўтказиб келинган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали кўп йиллардан буён дунё халқлари мусиқачилари ва санъат ихлосмандлари эътиборини ўзига оҳанрабодек тортиб келаётган. Турли элат ва миллат санъатларини бир ерга жамлаб, дунё узра кўз-кўз қилаётган мазкур анжуман мусиқа аҳлига тажриба алмашиш, ўзаро дўстона муносабатларнинг мустаҳкамлалишига хизмат қилиш билан бирга, ўзбек халқининг бетакрор тарихий меросини, бебаҳо мусиқа маданиятини жаҳонга намойиш этишга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Мухими, фестиваль ҳар сафар санъаткор ва хонандаларнинг энг яхшиларининг яхшисини кашф этмоқда. Мана улар — ўтган ўн бир фестивалнинг ғолиблари:

1997 йил. Гран-при: Сидара Иманова (Озарбайжон), 1-ўрин: Муножот Йўлчиева (Ўзбекистон), Шанни Кхурана (Ҳиндистон).

1999 йил. Гран-при: Насиба Сатторова (Ўзбекистон), 1-ўрин: Муҳаммад Омон (Саудия Арабистони), Юн Конг Сон (Жанубий Корея).

2001 йил. 1-ўрин: Алим Гасимов (Озарбайжон), Соҳибжон Нисезов, Абдунаби Иброҳимов (Ўзбекистон).

2003 йил. Гран-при: “Уранхай” ансамбли (Россия, Тува Республикаси). 1-ўрин: Дилнора Мирзакулова (Ўзбекистон), Фозил Жамшид (Эрон).

2005 йил. 1-ўрин: Айгун Бийлар (Озарбайжон), Нодира Пирматова (Ўзбекистон).

2007 йил. Талаёт Муҳаммад раҳбарлигидаги Қувайт Мусиқа институти гуруҳи. 1-ўрин: Ким Геум Хеун раҳбарлигидаги Мусиқа институти гуруҳи (Корея).

2009 йил. Гран-при: Лали Бегназарова (Туркменистон). 1-ўрин: Гоҳаг Аскеров (Озарбайжон), Матлуба Далабоева (Ўзбекистон).

2011 йил. Гран-при: “Pak Jon Vuk va Pak Jonquk” мусиқа гуруҳи (Корея). 1-ўрин: “Dunxuang pvi vords” мусиқа гуруҳи (Хитой), “Aysva” мусиқа гуруҳи (Литва).

2013 йил. Гран-при: Рашид Агарвал (Ҳиндистон). 1-ўрин: “Lapaya” ансамбли (Буркина Фасо), “Sadoi Pamir” мусиқа гуруҳи (Афғонистон).

2015 йил. Гран-при: “Jiangsu Woman's Orchestra” (Хитой). 1-ўрин: “Shamisen” гуруҳи (Япония).

2017 йил Гран-при: Соҳиб Пошшоода (Озарбайжон). 1-ўрин: Моҳиҳебра Шомуродова (Ўзбекистон), “Geosong” Халқ қўшиқлари фонди (Корея).

Шу йилнинг 26 август куни очилиши кутилаётган навбатдаги ўн иккинчи фестивал қатнашчиларига омад тилаймиз.

Ф.ФАХРУТДИНОВА
тайёрлади.

«АВЛОДИМГА СЎЗ ҚОЛСИН»

АДАБИЙ ДЎСТЛИК – АБАДИЙ ДЎСТЛИК



Қозоқ мумтоз адабиётининг асосчиларидан бири, буюк маърифатпарвар шоир, мутафаккир, эзулик ва дўстлик куйчиси Абай Қўнонбоевнинг шарафли номи ва бой ижодий мероси нафақат қозоқ халқи, айни пайтда, бутун туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқи калбида ҳам яшаб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк қозоқ

шоир ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида”ги қарорига кўра, юртимизда ҳар йили шоир таваллуд топган кун ўтказилаётган тадбирлар Тошкент шаҳрининг марказида, Абай қўчасида тикланган Абай (Иброҳим) Қўнонбоев ҳайкали пойига гул қўйиш маросими билан бошланади.

Улуғ мутафаккирга бағишланган бу йилги таътаналар Ўзбекистонда Қозоғистон йили кўтаринки руҳда нишонланаётган тадбирларга ҳамроҳанг бўлди. Жамоатчилик вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар, миллий маданият марказлари, қозоғистонлик меҳмонлар, талаба-ёшлар, маънавият тарғиботчилари йиғилди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ шоири Сирожиддин Саййид, Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси муваққат ишлар Раиси Канат Хасенов, “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев, мамлакатимизда қозоқ тилида нашр этиладиган “Нурли жол” газетаси бош муҳаррири Ғуломзокир Юсупов, Қозоғистон Республикаси ўзбеклари “Дўстлик” ассоциацияси раиси Икромжон Ҳошимжонов томонидан Ўзбек ва қозоқ халқлари ўртасидаги ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бораётгани таъкидланди.

2

Пахтазорларим



Эй сиз камтар, танти, жўмард дехқонларим,
Сиз кўтарган хирмон — менинг эҳромларим.
Шулгўрларда ою қуёш улғайтирган
Бир умрлик дала-даштга мезбонларим.

Ҳар қўчатга эгиласиз сизлаб-сизлаб,
Сўнг ғўзалар бўй чўзади сизни излаб.
Меҳнатдасиз, шому саҳар заҳматдасиз,
Юртин ўйлаб, эл-улуснинг бахтин қўзлаб.

Хали уруғ, хали чигит паллалардан,
«Сув-сув» дея нидо келар далалардан.
Ҳар туп ниҳол атрофида парвонасиз,
Омон саклаб ёмғиру дўл, жалалардан.

Кўз қамашар оппоқ пахта — нурга боксам,
Ғурур тўлар бир хўр билан бирга боксам.
Ватан, сенинг кенгликларинг дилга ором,
Токка боксам, бокка боксам, кирга боксам.

Пахтазорлар — чаман, пахта — оқ доладай,
Чаноқлари пахтагулли риёладай.
Ғўзалар ҳам бошини сал эгиб турар,
Қўсақларнинг залворидан қиз боладай.

Эй сиз, менга ризк-рўз берган далаларим,
Бутун бўлғай сиз туфайли чалаларим.
Шеърга сизмас айтган сўзларим кўп,
Қўйлай дейман сиз учун энг сараларим.

Терган пахта биров эмас — ўзимники,
Момоларим тутган нону тузимники.
Ғўзамиз ҳам, ғадламиз ҳам шу халқ учун —
Болаларим бахти, ўғил-қизимники.

Жўрабек ЖАҲОН

Бошланиши 1-саҳифада

Ҳоким импорт, экспорт, турли соҳаларга киритилаётган инвестициялар ҳажми, илк натижа ва келгуси юксак режаларга оид рақамларни санай бошлайди. Бизга эса бу рақам ва юксак марралар аксини теварак-атрофдан, обод манзаралару одамларнинг юриш-туришида кўриш янада мароқлироқ. Ахир “Ўз ҳаётини яхшилаб олишга шошилмаган одам дарё бўйида ўтириб, сувнинг туташини кутаётган аклсизга ўхшайди”, деган донишманднинг гапи бежиз эмас. Буюк Жалолдин Румий шундай деганлар: “Яшашингга қараб фикрла, фикрлашингга қараб яша”. Сирдарё чиндан ҳам улкан имкониятлар маскани. Бу имкониятлардан унумли фойдаланиш, уни халқ манфаатларига йўналтириш вақти келди. Турмушини, рўзгорини яхшилашга уринмаган фуқаро юрт ободлигига ҳисса қўша оладими? Ёмон олатлардан тийилмаган, китоб ўқимайдиган инсонлар ўз фарзандларига қандай намуна кўрсата олади?

Бугунги Сирдарё вилояти ўтган йил, ҳатто бир неча ой аввалги Сирдарё эмас! Бугун вилоятнинг ҳар бир туманида кизгин бунёдкорлик ишлари авжида. Бир қулиқ медиатур доирасида вилоятдаги барча ўзгариш ва бунёдкорлик манзилларини кўздан кечириш имконсиз эканига қайта-қайта амин бўлдик. Теварак-атроф кун ва ҳафта сайин ўзгариб, чирой очаяпти. Қолаверса, бизни бу ерда “меҳмон”, деб аташ унчалик тўғри бўлмас. Хизмат тақозосига кўра тўқсонинчи, 2000-йилларнинг ўрталаригача, салкам 15 йил давомида Сирдарё вилоятида пахта йиғим-теримида қатнашганмиз. Ўша пайтларда вилоятнинг деярли ҳар бир туманидаги шароитлар эсимизда. Шаҳар ва қишлоқларда собиқ шўро тузумидаги манзаралар гўё “қотиб” қолгандек тасаввур уйғотарди. Қишлоқлардаги ўйдим-чуқур ва чағли йўللардан онда-сонда эшак-аравалар ўтар, одамлар турмушидаги аллақандай мудроқлик ҳам ўша ўтган даврларни эсга соларди. Бу хотираларни бугунги ҳолат билан таққослаганда, қисқа вақт ичида нақадар улкан ўзгаришлар юз бергани яққол кўринади. Масалан, медиатур



марказидаги шодон манзаралар ижодкорлар қувончига қувонч қўшди. «Сайхун планет» маркасида яратилган шарт-шароитлар пойтахтимиздаги энг замонавий кўнгилочар мажмуалардан асло қолишмайди. Салқин ва шинам бино, замонавий аттракционлар болаларга завқ бағишляпти. Ушбу мажмуа «Ташаббус — 2019» кўрик-танловининг вилоят ғолиби, республика босқичида «Энг яхши тadbirkor» номинанти Хуршид Шарипов томонидан, банкдан олинган 21,3 млрд. сўм кредит ҳамда тadbirkorнинг 14,5 млрд. сўм шахсий маблағи ҳисобига бунёд этилган. 28 та янги ишчи ўрнига эга мажмуа дам олиш кунларисиз эл ҳизматида. Савдо комплекси, болалар ўйингоҳи, кинозаллар фаолияти йўлга қўйилган. Шунингдек, Давлат хизматлари агентлиги, Халқ қабулхонаси ҳам фаолиятини бошлаш арафасида.

«Сайхун планет» ёнидаги шинам боғча доимо ёшлар билан гавжум. Мазкур даргоҳда Президентимизнинг бешта муҳим ташаббуси доирасида амалга оширилаётган ишлар айниқса, эътирофга лойиқ. Ижодкор фарзандлар ўз иқтидорини намойиш этиши учун шароитлар муҳайё. Саҳнадаги қизалоқнинг “Президент бобомга” дея ўқий бошлаган шеърига қулоқ тутамиз:

Сиз қурган биноларга
Бўй етмай, ўйим етди.
Беруний, Синоларга
Бешикдан меҳрим етди.

Беш ташаббус қилдингиз,
Менинг-чи, ёшим ҳам беш.
Орзуларим билдингиз
Энди ишларимиз “беш”!

Қўлимда катта китоб
Катта йўлга чорлайди.
Китоблар мисли офтоб,
Шундан қўнгимлар порлайди.

Обод қишлоқ боласи
Бўлмагани бўлди.
Ўзбекистон доласи
Дунё сафини тўлдирар...

Марокли учрашувдан сўнг журналистлар йўлга отланишди. Сайхунбод тумани ҳокими Ботиржон Мирзақулов бунёдкорлик ишлари ҳақидаги хикоясини автобусда давом эттирди: “Туманимизда етмиш саккиз минг нафар аҳоли истикомат қилади. 21 та болалар боғчаси, қирк та ўрта мактаб мавжуд. “Хотира майдони”ни қайта таъмирдан чиқарилиб, унинг ёнида «Китоблар олами» кўни бунёд этилди. Бугунги кунда мазкур дўкон атрофи кенгайтирилиб, китобхоналар учун қулай шароитлар яратилмоқда. Ўнпарада туман ҳокимлиги биноси, унинг ҳовлиси ҳам китобхоналар хизбонига айлантирилляпти...

Сирдарё вилоятидаги ислохот одимлари, ўзгариш ва эврилишлар, “бешта ташаббус — Сирдарё намунаси”, улкан бунёдкорлик ишлари ҳақида мухтасар мақолада батафсил хикоя қилиш осон эмас. Ховос туманидаги ўзгаришлар, Боёвут, Сардоба, Мирзаободдаги бунёдкорлик одимлари ҳақида китоблар ёза арзийди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг қуйидаги сўзларида катта асос бор, теран мазмун муҳассам: “Сирдарёда ўзгариш бор. Буни ҳеч ким инкор қилмайди. Эртага нима қилишимиз, режамиз аниқ. Эртадан бошлаб Сирдарё намунасини, сандокат намунаси (элга, Ватанга, оиллага) ташаббуси билан чиқсангизлар мен сизлардан рози бўламан”.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзоси

СИРДАРЁДАГИ ЎЗГАРИШЛАР



Вилоят ҳокими ҳаёлимиздан ўтаётган фикрларни худди ўқиб олгандек, сўзни шу мавзуга бурлади:

— Вилоятимиз театрида “Бибиҳоним” спектакли устида иш олиб бориляпти. 23 августда бўладиган премьерасига сизларни таклиф қиламиз. Театр ёнида “Учрашув” кафеси бор, бу номни ҳам бежиз қўймадик. Бу кафе шоша-пиша таомланишдан кўра, томоша олдидан ёки ундан кейин бир финжон қаҳва устида суҳбатлар уюштириш учун жуда қулай жой. Кафе залидаги китоб жавонларини кўрдингизми? Йўлнинг шундоққина нарғидаги “Ўқитувчи” номли китоб дўкони ҳам энг замонавий талаблар асосида жиҳозланган...

Хонадонига меҳмон қутаётган мезбон, баҳоли қудрат хозирлик кўради. Олдий таомилда бу, “яхшисини ошириб, ёмонини яшириш”га тиришади. Агар хонадон обод ва бадасти бўлса, меҳмонни ёруз юз билан қарши олади, кўнгли хотиржам бўлади. Бизга ҳамроҳлик қилаётган вилоят ҳокимининг ўринбосари Отабек Абдуғаниевни ана шундай мезбонга ўхшатамиз. У киши вилоят ҳаётини чуқур билишидан ташқари, ижод ва қалам ҳақи ҳуусидаги долзарб фикрлари билан журналистларни хайратга солди.

доирасидаги илк манзилмиз, Сирдарё туманидаги “Сирдарё Универсал Ойна” МЧЖни олайлик. 2018 йил 1 июнда фаолиятини бошлаган ушбу корхонада фармацевтика ва озиқ-овқат саноати учун шиша идишлар ишлаб чиқарилади. Бу жойда шовкин, ёнилги-мойлаш материаллари ва бошқа хом ашёлардан таралаётган ўткир хиллар, тутун ва чағ-тўзондан асар ҳам йўқ. Ҳатто бузилган бирорта дастоҳ, эҳтиёт қисмлар ҳам кўзга ташланмайди. Корхона ҳовлиси худди дам олиш хизбонини эслатади. Ландшафт дизайни асосида тартиб билан экилган турфа гул ва дарахтлар барқ уриб ўсяпти. Шинам сехларда эса Германиядан келтирилган замонавий дастоҳлар худди соатдек бир маромда ишлаб турибди. Ишлаб чиқаришда юз фоиз ўсимизнинг хом ашёдан фойдаланилмоқда. Навоий ва Қашқадарё вилоятларидан келтирилган ок кум, кварц ва бошқа соф минераллар бу корхона учун тутанмас хом ашё саналади. Гуриллаб ёниб турган олов тафтида турфа хил шаклда шиша идиш тайёрлаш техникасини ўзлаштирган, асосан, ёшлар меҳнат қилаётган корхона қисқа муддатда вилоятдаги йирик экспортёрлардан бирига айланган.

«PENG-SHENG» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасида тайёрланган маҳсулотлар

ни бир нафасда санаб бериш анча мушкул — бу ерда 60дан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилади! Умумий ҳудуди 54 гектарни ташкил этувчи мажмуада чарм ошлар ва ундан ишланган буюмлар, оёқ кийимлари, электрон қўлфлар, керамик плита, турли-туман замонавий қошин(кафел)лар, сантехника жиҳозлари, кабеллар, уй хайвонлари учун озуклар, иссиқхона жиҳозлари каби маҳсулотлар тайёрланади. Қўшиқда айтилганидек, “Зуваласи она юртим бағридан” бўлган кафеллар жуда харидоргир — кўнига маҳсулотлар юкланган 70та катта автомашина корхона дарвозасидан чиқиб, турли манзилларга йўл оларкан! Кафелларнинг бир қанча хорижий мамлакатларга экспорт қилинаётгани ва чарм пойабзал маҳсулотларига бўлган талаб ортиб бораётгани мазкур корхонанинг мамлакатимиз иқтисодиётида қанчалик муҳим ўринга эга эканлигини кўрсатади. Ишлаб чиқариш ҳажмининг катталиги бўйича вилоятда алоҳида ўрин тутган бу қўшма корхона ҳудудида сўлим боғ, ўзбек ва хитой болалари аҳил-иноқликда тарбияланаётган 30 ўринли мактабгача таълим муассасаси бор. Ушбу масканда таълим-тарбия жараёнлари ўзбек, рус, инглиз ва хитой тилларида олиб борилади.

Қўшма корхона ҳудудидаги иссиқхоналарда йил давомида помидор, бодринг, бўлғор қалампери, баклажон, ҳуллас, турфа хил экинлар замонавий технологиялар воситасида етиштирилади. 150 гектар дала майдонида томчилатиб сугорилиш технологияси асосида парваришланаётган гўзалар авжи гулга кирган. Кўпни кўрган устоз қаламқашлар гўза шоналарини санай кетишди: ҳар тупида 50-55 дона ҳосил нишончалари бор! “Хар гектаридан камида 50 центнер ҳосил қутиш мумкин”, дейишди. Дехқонлар эса хали нишончалар сони яна 14-15 донага ортиши, томчилатиб сугорилиш ҳосил чўғи барақали бўлишининг омилли эканини сўзлаб беришди. Бу усулни нафақат Сирдарёда, балки республикамиз бўйлаб кенг жорий этиш ҳақида фикрлар билдирди.

«PENG-SHENG» кўргазма савдо уйида қўшма корхонада ишлаб чиқариладиган деярли барча маҳсулот турларидан намуналар намойиш этилган. Номин хитойчада “Учаётган бургут” деган маънони англатувчи ушбу баҳола манзил кичик бир шаҳарчага айланган. Савдо маркази, супермаркет, ресторан, банк сингари бир қатор

хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди. Корхона ҳудудида барпо этилган «Ўзбекистон-Хитой дўстлик боғи» маҳаллий аҳоли ва хорижий сайёҳлар учун сеvimли гўша саналади. Бу мажмуанинг очилиш тантанасида дунёнинг 32 давлатидан келган халқаро ташкилотларнинг вакиллари қатнашган.

Шундан сўнг медиатур иштирокчилари тушган автобус Сайхунбод туманига йўл олди. Медиатур давомида биз кутган энг ёрқин таассуротлар шу туман билан боғлиқ бўлди. Юқорида айтганимдек, 15-20 йиллар муқаддам пахта теримида Сайхунбодда келардик. Хотираларни эсга олиб, бугунги ўзгаришлар билан таққослаш чиндан ҳам жуда ҳаяжонли. Ўша даврдаги Сайхунбоднинг ўнқир-чўнқир ва чағли йўллари, қўхна шиферларини қўқши моғор босган пастак уйлари хануз кўз ўнгимизда. Туманда шу вақтгача қўп қаватли уйлар тугул, икки қаватли бинолар ҳам бўлмаган. Сайхунбодда узок йиллар давомида фақат “ок олтин қони” сифатида қаралган. Пахтадан бошқа экинларни экиш, турмуш шароитларини ўнглашга одамларда куч, вақт, эътибор, қолаверса, ҳафсала ҳам... қолмагандек бир таассурот уйғунар эди.

Бугун Сайхунбодда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, маънавият-маърифат, ишлаб чиқариш борасидаги ишлар журналистларда катта таассурот қолдирди. Давлатимиз раҳбарининг ташрифидан сўнг туманда катта ўзгаришлар даври бошланди. “Президентимиз ташрифидан сўнг туманга ризқ-баракат ёғилди, ғалла, пахта ва шилла режаларимиз бажарилди”, дея сўнади “Янги ҳаёт” газетаси ходими Эркин Саидов.

Бу гапда муболага йўқ. Сайхунбодда кейинги қирқ-эллик йиллар ичида эндигина бунёдкорлик, ободончилик ишлари кенг қўламда бошлаб юборилди. Қирқ-эллик йил, бу, айтишга осон! Бу даврда бир неча авлод “ок олтин” учун кечган самарасиз меҳнат ва машаққатлар ичида улғайган!

Бугун туман маркази тўдан янгиланиб, кундан-кунга чирой очиб бормоқда. Дехқон бозори янгидан қурилди, эски, пасткам уйлар ўрнида икки қаватли замонавий турар жойлар қад кўтаряпти. Икки қаватли дўконлар қурилиш давом этапти. Айниқса, Сайхун шаҳарчасида жойлашган «Сайхун планет» ёшлар ва савдо

«АВЛОДИМГА СЎЗ ҚОЛСИН»

Бошланиши 1-саҳифада

— Шоирнинг шеър дostonлари, насрий асарлари, таржамалари козok халқининг миллий-маънавий ифтихори бўлиб қолади, — дейди Иқромжон Ҳошимжонов. — Бундай маданий-маърифий тadbirkorлар халқаримиз ўртасидаги дўстлик ва биродарликнинг ёрқин намунасидир. Абай ижоди туркий тилларда сўзлашувчи халқларнинг умуммаънавий мулкидир. Абай халқларини дўстлик ва биродарликка, ҳамжиҳатликка чақирди. Тинчлик ва осойишталикни, меҳр-мухаббатни улуглади. Унинг асарларини ўқиган китобхон кўз ўнгига ўзбек ва козok халқларининг руҳияти, орзу-уйлари яққол намоён бўлади.

Тadbirkorда шоир ижодидан намуналар ўқилди. Унинг хайкали пойига гуллар қўйилди.

Тантанали тadbirkorда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Хайриддин Султонов, Президент маслаҳатчисининг ўринбосари Фарход Махмудов иштирок этди.

Шу кунги Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчасида “Адабий дўстлик — адабий дўстлик” шиори остида Қозогистон ва Ўзбекистон ёзувчиларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Қозогистон Ёзувчилар уюмчалари ўртасида имзоланган ўзаро ҳамкорлик меморандумига асосан, энди-

ликда Қозогистонда ўтаётган анжуманларда ўзбек ижодкорлари, юртимиздаги турли адабий-маърифий тadbirkorларда қардош халқнинг адаб ва шоирлари фаол иштирок этишмоқда. Кейинги икки йил давомида икки халқ адабиёти ҳамкорлиги янада ривожланиди. Ўзбек тилида Абайнинг “Сайланма” китоби ҳамда “Ўзбек ва козok адабий алоқалари” номли адабий-таҳлилий мақолалар тўплами нашр этилди. Низомий номидига Тошкент давлат педагогика университетида “Абай ва ўзбек адабиёти” номли доимий экспозиция ташкил қилинди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси томонидан юз нафар ёш козok шоирининг шеърлари ўзбек тилида нашр этилди. Шунингдек, козok шеърятининг таниқли намоёндалари шеърлари Янгибой Қўчқоров таржимасида “Оққув қанотида қўнган оҳанглар” номи билан чоп этилди. Абдулла Рустамовнинг “Абай абadiяти” илмий-оммабоп монографияси, Қалдибек Сейдановнинг ўзбек-козok адабий алоқалари ривожига бағишланган “Туғишганлар” номли китоби козok тилида нашр этилди.

Ижодий мулоқот доирасида “Абай абadiяти”, “Туғишганлар” китоблари, “Қозок шеърятини саҳифаларидан” рукни остида чоп этилган “Оққув қанотида қўнган оҳанглар” номли шеърый тўплам тақдими бўлиб ўтди.

Ўз мухбиримиз

Қарши шаҳридаги “Ватанпарвар боғи”да “Гуллар, қушлар ва китоблар сайли” байрам тadbirkorлари бўлиб ўтди.

Байрамнинг тантанали очилиш маросимида Қашқадарё вилоят ҳокими Зафар Рўзиев сўзга чиқиб, юртимизда кечаётган ислохотлар, унинг мазмун-моҳияти, инсонларнинг бир-бирига бўлган меҳр-мухаббатини ва ёшлар маънавиятини қўқатиришдаги аҳамияти ҳақида гапирди.

БАЙРАМ САЙЛИ

Тadbirkor доирасида вилоятда яшаб келаётган фуқаролиги бўлмаган 100 нафардан зиёд шахсларга фуқаролик паспортлари топширилди. Боғ ҳудудида ҳар бир ташкилот ва муассасаларга ажратилган жойларда гуллар ва қушлар композицияси ҳамда китоблар кўргазмалари ташкил этилди. Ушбу композиция ва кўргазмалар ҳакамлар хайъати томонидан ўрганилиб, қўллаб-қўллашчи бўлишга танлов ғолиблари аниқланди ва уларга диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди. Жумладан, тақдирланганлар орасида ёш шоира, 1-турху ногирони Латифат Тошевва “Энг яхши китобхон” номинацияси бўйича эътироф этилиб, қимматбаҳо совға ва диплом билан тақдирланди.

Гуллар, қушлар ва китоблар сайли доирасида ташкил этилган маданий тadbirkorлар, танлов ва мусобақалар, давра суҳбатлари, мушоиралар, ҳунармандчилик, китоблар кўргазмалари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.



МАКТАБ ЯРМАРКАЛАРИДА САВДО АВЖИДА

Янги ўқув йили бошланиши арафасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида мактаб ярмаркалари фаолияти йўлга қўйилди.

Пойтахтимиздаги “Чорсу” бозоридаги мактаб ярмаркаси ҳам одамлар билан гавжум. Биз ўқув қурулларини нархи билан қизқик. Ручкалар 500 сўмдан 1000 сўмгача, дафтарлар 300-500 сўм, умумий дафтар 1 минг 200 сўм.

Ярмаркада ўзимизда ишлаб чиқарилган ўқув қурулларини билан бирга Россия, Хитойдан келтирилган маҳсулотлар ҳам сотилмоқда.

Мактаб сумкасининг савдоси чаккон. Бу ерда сифати, дизайни турлича бўлган сумкаларни учратасиз. Нархи ҳам сифатида яраша. Ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бироз арзонроқ, Хитойники нисбатан қимматроқ. Савдода бадий, маърифий китоблар ҳам бор. Бошланғич синф ўқувчиларига мўлжалланган синфдан ташқари ўқиб-ўқиб китоблар, мактаб оstonасига илк қадам қўювчи қизқинтойлар учун санок, харф таниш ва бошқа шу каби адабиётлар мавжуд.

— Биз ака, опаларимиз тутган сумкаларни ҳам ҳеч уялмадан тутавардик, — дейди қизига мактаб сумкасини харид қилган Шохиста Икромова. — Ҳозир ўқувчилар папкасини бир йилга етказиб тута, хурсанд бўламиз. Тўғриси, ҳозирги мактаб анжомлари сифати ҳам бироз пасайгандай. Бола барибир бола-да, югуриб-елади, сакрайди. Ўртоқлари билан қувлашмачок ўй-

найди. Кўнига сумкани неча марта очиб-ёпади. Ўғил болаларни-ку асти қўверинг...

Опадан ўқув сумкасини қанчага олганини сўрадик.

— 95 минг сўм дейишди. 90 минг сўмга олдик, — деди Шохиста опа. — Жуда чидамаса, ўқув йилининг қай пайти бўлишидан қатъи назар, яна янгисини харид қиламиз-да.

Ўқувчилар сумкасининг нархи 80 минг сўмдан 230 минг сўмгача. Ўзимизнинг маҳаллий маҳсулотлар эса 50 минг сўм атрофида.


— Фарзандларим анчадан буён мактаб бозори қилайлик, деб қўйишмади, — деди Орзукул Сафаров. — Шу ерининг ўзида рўйхатдаги барча ўқув анжомларини харид қилдик. Нархларини ҳам бироз чегирма билан қилиштирдик.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ахборот хизмати маълумотида кўра, 25 та умумтаълим мактаби қошида ҳам мактаб бозорлари ташкил этилган. Бунда мактаб ярмаркаси бўлган бозорлардан узокроқда жойлашган таълим муассасалари танлаб олинди. Бу ҳам ота-оналарга қулайлиқдир. Шунингдек, ярмарка ташкил этилган мактабларга фарзандлари шу ҳудудга яқин таълим муассасасида тахсил оладиган ота-оналар ҳам қилиши мумкин.

Мактабларда ташкил этилган ярмаркалар 1 сентябрга қадар ишлайди.

Н.УСМОНОВА,
Ўза мухбири

Абдулла ШЕР



Афсури

Афсунгарман. Ўқийман афсури:
Нафасимдан гуллайдиган боғлар.
Неки ярим — бўлади бутун,
Тошлагани унутар тоғлар.

Афсунгарман. Ўқийман афсури:
Канот ўсиб чиқар сўзимдан.
Чакмолларга синамаган учқун
Ерга тушиб, сачарар кўзимдан.

Афсунгарман. Ўқийман афсури:
Жавоб бўлиб янгар саволлар.
Камалакка айланар-у кун,
Эса бошлар рангдор шамоллар.

Афсунгарман. Ўқийман афсури:
Кўш — одамдек, одам — оккушдек;
Сахроларга синамаган Мажнун
Кўкка чиқиб кетар Ҳаққушдек.

Афсунгарман. Ўқийман афсури:
Хонтахтадан оқиб ўтар сой;
Самовотни тарк этиб шу тун,
Сув остига тушиб сузар ой.

Афсунгарман. Ўқийман афсури:
Ғиротимга шеърни миндириб;
Чиқиб келар Навоий мамнун
Асрларни чўлдек сиңдириб.

Афсунгарман. Ўқийман афсури...

ЖИЛМАЯДИ МЕНГА ВАТАНИМ

Кетмон

Яна ошнам кадрдон кетмон,
Суяниқдир даста чарчасам.
Ерим гўё кичкина осмон,
Кетмон худди қуёш парчаси.

Зарбларимнинг шу мард эгаси
Шўнғиб-чиқиб, ерни қўймас тинч.
Кутиб яшар кузнинг нафасин
Экинларга тугилган соғинч.

Соғингани бордек йироқда
Малла анхор югурар жадал.
Титрок турар барра қуроқда
Ниначилар жуфтлашган маҳал.

Гаплашаман ҳар гиёҳ билан
Янги зарбни юклар кетмонга.
Дўстлашаман гоҳ сиёҳ билан,
Этаман деб қўша хирмонга.

Яктагимни еллар очиб гоҳ,
Юрагимга аста мўралар.
Ташбехимдан хушбўй сойи гоҳ,
Экинимга шеърим ўралар.

Кун чараклар кетмонга тўлиб,
Марвариддир тердан баданам.
Шеър анхор, еру қўк бўлиб
Жилмаяди менга Ватаним!

Мусиқа

Пастда қолар сершовкин дунё,
Айланади канотга қўлинг.
Мангуликка бўлади шайдо
Лахзалардан иборат йўлинг.

Сен учасан миниб товушга,
Асрларни ўтасан ёриб;

Ҳамроҳим деб Семурғ қушини,
Кўхи Қоғфа қўнасан бориб.

Сен кўрасан: хатто соялар
Ранг қасб этиб, беради овоз,
Кўксин очиб тулга қоялар,
Дарахтман, деб барг чиқарар соз.

Тўрт фаслни тан олмаган Вақт
Умрингман деб сийлайди бир зум.
Ва юзингга сен соғинган Бахт
Ёйилади бўлиб табассум.

Эш шоир дўстига

Шеър ёзиш қийинми? Жуда ҳам осон,
Шеър ёзиш осонми? Жуда ҳам қийин:
Йиғилинг илхому имон учовлон,
Шоирлик бошлар ўшандан кейин!

Шеър ёзиш қийинми? Жуда ҳам осон,
Шеър ёзиш осонми? Жуда ҳам қийин:
Агарда ёнингга тушмаса осмон,
Ерни улуғлашдан шу онда тийин!

Шеър ёзиш қийинми? Жуда ҳам осон,
Шеър ёзиш осонми? Жуда ҳам қийин:
Томирни тор каби чертолмаса қон,
Қичкириб, кетказма товущинг сийин!

Шеър ёзиш қийинми? Жуда ҳам осон,
Шеър ёзиш осонми? Жуда ҳам қийин:
Таранг тортилмаса қалб деган камон,
Бебаҳо бўлса-да нишон — бир тийин!

Шеър ёзиш қийинми? Жуда ҳам осон,
Шеър ёзиш осонми? Жуда ҳам қийин:
Сўзни эгарау лекин, шоиржон,
Уни эшак эмас, тулпор билиб мин!

Мен кетсам алвидо айтиб жисмга,
Дунё қолаверар: киш, ёз, куз, баҳор...

Эхтимол, жо бўлиб тонгги насимга,
Мен кезиб юргайман дунёни бедор.

Мен кезиб юргайман, ном ясаб сўздан,
Ўқилиб, тингланб, балки қўп йиллар.
У пайт мен яшайман беркиниб қўздан,
Кўзлар тополмаса, тополгай диллар.

Халакит бермайман у пайт ҳеч кимга,
Даъво ҳам қилмайман ёқадан тутиб, —
Агар экин экиб чирик жисмимга,
Кимдир ҳосил олса асрлар ўтиб.

Факат кўрингайман гоҳ-гоҳ тушларда,
Хўрсиниб номимни айтса яхшилар;
Шоирлар қаламини лангар қилса ва
Дўмбира ипида юрса бахшилар.

Рубоилар

1
Рубой мумтоз деб, рубой ёзим,
Хайёми устоз деб, рубой ёзим.
Виждон дарахтидан ясаб қаламини,
Замонни қоғоз деб, рубой ёзим.

2
Айтинг-чи, борми ҳеч ҳазон билмас боғ,
Ё охир бир қуни ўчмаган чирок?
Факат викорини бой бермас асло
Маърифат аталган қўнгилдаги тоғ.

3
Тошларни сайратар, боқ, жажжи ирмоқ,
Дарёга шиддатни бахш этар кирмоқ.
Ерга тушган минглаб рангдор уруғни
Яшашга ўргатар шу қора тупроқ.

4
Ибодат қил, майли, сен тонгга қадар,
Унутма борлигин қазою қадар.
Ва лекин дуо қил дехқонни доим:
У ҳаёт уруғин заминга қадар.

5

Тенгсиздир инсоннинг қушга ҳурмати:
Одамни кўтарди паткалам хати.
Лекин не-не зотни киритди ерга
Тарих бўйлаб учган ўқ-ёйнинг пати.

6

Қиличдан химоя бўлди қалқон,
Ўқдан зирхли нимча саклайди омон.
Ва лекин қоғоздан химоя йўлини
То хануз тополмай гарангдир инсон.

7

Ўқни ясаганлар оддий “фалончи”,
“Қаҳрамон” аталар, лекин камончи.
Ўзинг-ку Ҳақпарвар, бироқ, айт, Тангрим,
Нечун бу дунёнинг бунча ёлгончи?

8

Шошилиб яшадим, шошиб яшадим,
Ўзимдан бир баҳя ошиб яшадим.
Чўларинг қўп экан дунёнда, Тангрим,
Дарё бўлмасам ҳам тошиб яшадим.

9

Жоизмас десам гар: «Гул бўлиб ўтдим!» —
Дарёлар ёқалаб чўл бўлиб ўтдим.
Факат очик қўзлар кўра олғайдир:
Мен чангал оралаб йўл бўлиб ўтдим!

10

Илмим гоҳ сой каби сўзлатди тошини,
Ғарба ошно қилди шарқлик қуёшини.
Бир пайт гўзал эдим, бўлдим улугвор:
Токка ўхшаб қолдим — қор босди бошини.

11

Чорлайман: ёш исмим қайларда қолди?
Ёшлигим сас етмас жойларда қолди.
Жарангдор йилларим қуйга айланиб,
Оловли нафасим найларда қолди.

Кўчкор НОРҚОБИЛ



Умрим бино бўлиб бундай жа-
зираман кўрмаганман. Биз-
нинг Сурхон тарафлар отапи ичида, де-
сам ишонаверинг. Айни ўша дам мен
тошқўчаси тандирдек қизиган киш-
лоқнинг қок ўртасида эдим, бўйнинг
узилгур қайдовчи Гани найови: “Ака,
ўлдирсангиз ҳам қўчангизга қирмай-
ман, Норкул тентак кўриб қолса терим-
ни шилиб олади”, деб оёқ тираб, ярим
йўлда қолдириб кетди.

Мана, кетаям хансираб, қилг эт-
ган шамол қарғиша йўлиққан. Офтоб
гўё менинг бошимда қотиб қолган. Вақт
тўхтаган. Кўчада Норкул тентак тутил,
кимир этган қумурска йўқ. Киприкларим
зил-замбил — ҳолсизликда жон сабил.

Ана шундай ахволда ярим чақирим
йўл юришим керак, уйимиз ҳам тубкан-
нинг туби бўлиб туюлади. Ҳайдовчи
Гани найовни янийман: “Мана, кўчада
ҳеч ким йўқ экан-ку, ўлиб қолармиди
эшигимгача олиб бориб қўйсанг...”
Шу тоб қулоғим остида унинг овози
янграгандай бўлади: “Кеча тўйда ги-
жиллашиб қолдик. Қулоқлашлар урам-
ман девди, чап бериб, темир чойнакни
чой-пойи билан кўтариб бошига сол-
ди-да, қочдим...”. Норкул тентакнинг
қалласига темир чойнак тушганини та-
саввур қилиб беҳолгина хиринглайман.
Чойнақнинг зарби, бунинг устига қай-
ноқ чой... бўларича бўлгандир.

Норкул — қишлоқнинг қора қашка-
си. Ўттизга қириб ҳам ўти ўчмаган, чар-
силлаб ёнам дейди. Биров билан қасд-
лашмасин, кеки кекирдакча етади.
Лекин шундай хуфёё бўлгани билан
ор-номуси ўзиники. Айримлар Норкул-
ни отаси Тўра терста тортган дейишади,
қолларинг айтишгача, Тўра бова ҳам
ёшлитда ўрни ўриб, қирни қирган, оёғи
ерга тегмаган, урушқок бўлган экан.

Хуллас, бошимда қумгон қайнатаёт-
ган қўшга қасда-қасд қах-қах урдим.
Симтўр девор билан ўралган қўшнинг
ғийқилдоқ ёғоч эшиги очилиб, қил
яланғоч, бадини офтобда қорайиб пўст
ташлаган бир тирмизак отилиб чиқди:

— Ака, сизди бовом қахияпти... Уя
қийинг.

Симтевор ортидаги ховлига разм со-
ламан. Не бир замонларни кўрмаган қа-
пабош қайрағочнинг қуюқ сояси тагида,

кенг-мўл супада ёнбошлаб ётган Тўра
бовага — Тўра терста қўзим тушади.
Юрагим шиг этади. Боваси тушмагур
оч яшил яктагининг кўрагини очиб ол-
ган қўни ёнбошлаб мени кузатиб туриб-
ди. Кўксига тушиб турган қалин оппоқ
соқолини тутамлаб мендан кўз узмай-
ди. Ҳамманинг ховлиси девор, бунки
симтўр, ўтган-кетганини кўриб туради.

Бошқа ҳеч қимниқда қайрағоч кўр-
маганман, бованиқда бор. Шу қай-
рағочни босмачи бованинг отаси эккан,
деб ғурурланиб юриши бутун қишлоқ
одамига маълум. Мен ҳам бованинг ўз
оғзидан қўп эшитганман. У пайтлар
мактаб болаеси эдим. Ўқувчилар газети-
га “Бобомнинг қайрағочни” деган мақола
ёзиб жўнатганман. Лекин мақоладаги
жумла “босмачининг отаси” эмас, “ки-
зил аскарнинг отаси” деб ўзгаририлиб
чиққан. Ўшанда Тўра бовадан олади-
ганимни олганман, мактабга кетётган-
нимда ушлаб олиб қулоқ чаккамга қў-
йиб юборган: “Мана сенга қизил аскар,
тирчанча. Ўргилдим сендай ёзувчидан!”

Биламан, қол мени қўнглига яқин

Шу-шу бованинг кўчасидан бир йил ўт-
маганман. Узоқ бўлса ҳам мактабга жар
қўчадан қатнаганман. Кейин йиллар ўт-
ди. Бова билан анча иноқлашиб кетдик.
Менга у кишининг чапанларча айтган
тағли-туғли гаплари хуш ёқарди. Орадан
уч йиллар ўтди-ёв, бова билан юз қўриш-
ганим йўқ. Баъзи бир ҳикояларимга бо-
ванинг образини қиритдим. Адабиётчи-
лар буни “прототип” дейишади. “Про-
тотип”ми, бошқами билмадим, лекин
мен ўша ҳикояларни ёганимда бовани
қўриб турардим, ҳа, у менга тепамда қа-
раётгандай туюларди...

Халиги болақай эшик қирасига
тушган қўни офтоб оташи за-
бидан кўзларини қисиб бурнини тор-
тади. Мени ўзи билан етаклаб кириш
чўти бор.

Болақай шарт бурилиб олдимга ту-
шиб супа томон пилдираб кетди. Мен
унинг ортидан эргашаман. Кўз қирим
билан бовани кузатаман. Қўнглимда ал-
ланечук ҳадик ҳисси ғимирлайди. Отам
Тўра бовадан хафа бўлаверма, унинг
ўнг томони йўқ, ҳамма тарафи терс, терс
ётиб терс уйғонади, дейди. Шу маҳалда
шу гап қалламга қаёқдан келди, билмай-
ман. Бова билан қуюқ қўришиш учун
иккала қўлимни ҳам узатдим.

— Ассалому алайкум, терс бова-
жон... Э-ей, Тўра бова. Соғлигингиз ях-
шими, димоғингиз чоғми?

Бованинг вазоҳати бир ўт олдию
ўзини босди, сездим, қайфиятга зил
кетиб қўл чўзди. Чўзгандаям, бир қў-
лини омонатгина чўзди.

— Ке, ўтир.

— Раҳмат боважон, қишлоқдаги
энг доно бова ўзингиз-да... Қаранг,
ҳеч жойда йўқ салқинлик, хатто роҳат-
тижон шабада бир сизниқда бор...
Ойдин момом яхшими? Ўғлингиз
Норкул полвон-чи? Момом кўринма-
япти?

Бова менга синчков термулиб туради.
Ўлдим. Энди ўлдим. Гапнинг тағи-
да қоламан, қолнинг авзойи бузук. Ҳо-
зир бирор-бир гапни юзингга қўзинг
борми, демай сермаб отади. Мени тил-
ёғламалик қилапти деб ўйлаяпти.

— Майли, боважон. Мен бораёй бўл-
масам... Эртага уйга ўтинг, — дейман
ўрнимдан кўзгалиб.

Бова қирғий қараш қилади. Яна
Бюрагим “шиг” этади.

— Ўтир. Борасан! Отангининг тўйи-
ни қилайсизларми?

— Ҳа, боважон, шундай. Саксонга
қираяпти отамиз. Қишлоқнинг кекса-
ларини қақириб, бу ёғи невараче-
вара дегандай, одамгина маросимда бўям.
Биламан, қол мени қўнглига яқин

оларди. Қишлоққа келсам бованиқи-
га, албатта, кириб ўтардим, ана-мана
билан гурунгимиз кўр олиб кетарди.
Отам баъзида: “Шу чапани, кўрс билан
нимани гаплашасан, сен бола?” деб ид-
дао ҳам қилгич эди. Отам билан бова
ошна, лекин қунора суви лойқаланиб
турарди, шундай бўлса ҳам иноқлик
ипини ҳеч нарсга узолмасди — бўям
бир қизик-да...

Айтдим-ку, кейинги уч йилдан бери
бовани кўрганам йўқ. Қишлоққа икки
бор келиб кетдим, лекин унга “Борми-
сиз...” деб қўйишга ярамадим. Ярама-
димми, демак бова: “Ярамасан...” де-
йишга ҳақли. Билмадим, арзон мактаб-
ларнинг тойчоғи устида тағтайиб
кетдимми, ё дейдорнинг нархи қиммат-
лашди, билмадим. Ўтган гал келга-
нимда бова ўғли Норкулни юборди:
“Отам Сизни кечкурун маҳмонга айт-
ди. Ғуччи бовам билан бирга бораркан-
сиз”. Хўп дедим, бироқ қаёқда, вақт ўл-
гур шунга қолганда нотантилик қилди.
Ими-жиминда Тошкентга қайтдим...

Бова ҳамон менга синчковлик би-
лан кўзларини қадаб турибди. Юзида
лаҳзалик жилмайиш зоҳир бўлди, сўнг
қиёфа яна тундлашди:

— Отанг мендан уч ёш кичкина.
Саксонга қиргани чин. Лекин халдини
билмай сенсирайди. Менга қара, сен
Ғуччи қалининг Хусанимсан? — дейди
томоқ қириб.

Туйқус миямда қачин чаккандай
бўлади. Оний ҳолатда қўнглим ёришади.

— Ҳа, мен Хусанман. Хусанман,
бова, — дейман вазиятдан чиқиб учун.

— Термизда ишлайдигани сенсан,
шундайми?

— Шундай. Термиздаги ули мен-
ман. Термиздаги...

— Анави, Тошканди ёзувчи аканг
каерларда юрибди?

— Уми? Уям келадиги эртага.

— Келса яхши, — дейди бова, яна
менга ўқрайиб. Қуюқ қоллар остидаги
ўткир нигоҳдан қўзимни олиб қочаман.

— Келса яхши, шу болада гапим бор.

— Нима гапнингиз бор эди, бова?

Бова бир қимирлаб, ёстикка белини
тирайди, ўнғай тирайди.

— Шунингиз, кейинги ёзганла-
ри кўпам менга хуш келмапти... Аллака-
ердаги бўлмағир воқеаларни ёзиб юради.

— Мен унинг ишига аралашмасам,
билмасам, бова... Энди мен бораёй, бо-
ва, менга рухсат беринг. Уйда ҳам иш
кўп. Отам кутиб ўтиргандир... Кечку-
рун уйга гуруч-муруч, оқ мой олиб бо-
ришим керак...

Бова менга “ял” этиб қарайди.

БТурки-таровати тош босадиган,

қовоқ уюлади. Мен оқ мой ҳақида бе-
маврид гапириб қўйганимни ҳис этиб
қилтарлаб кетаман. Қол бир тўлғониб
қўяди. Ўқибди, ўқиган-да, ўқиган! “Оқ
мой” деган бир ҳикоя ҳам ёзувдим, шу
китобимга қирган. Қисқиси, шўро за-
монда дўқонлардаги ёғ қўнтоналик
симғиларда сақланарди. Кимга ёғ керак
бўлса, сизим устига чиқиб сизим боғлаган
ярим килоли чўмич билан ўзига керакли
ёғни идишига олиб пулни тўлаб кета-
верарди. Ҳикоя қаҳрамони Тоғай тажаанг
юз грамм отиб олиб сизим устига чиқиб
ёғ оламан деб улкан “темир ховуз”нинг
ичига тушиб кетганини воқеа сифати-
да кистириб ўтудим. Шу-шу Тоғай
тажаангнинг лақаби “оқ мой” бўлиб кет-
ганию кейинчалик бир ўғли “мойзовуд”
қургани ҳақидаги бир жўн ҳикоя эди бу.

Аслида бу кечмишининг “мойсигим” би-
лан боғлиқ жойи рўпарамдаги Тўра бо-
ваимизга тегишли эди. Боваси тушмагур
шу нарсани гина чўпи билан қўзаб ту-
рибди. Хайрият, мени айнан шу ҳикоя-
нинг “эгаси” эканимни билмапти. Мени
укам билан адаштиряпти. Йўқса...

Бова зардаси тошиб шундай дейди:

— Отангинг-ку оғзи йиртки. Оғзи-
да сув турса ҳам гап турмайди. Аканг
ҳам отангдан эшитган эски гапларни
ёзиб ташлаётганда...

— Акангинг китоблари чиқиб ту-
рибди, одамлар ўқийётгандир, дей-
ман қаловланиб, бошқа гап тилимга
келмайди.

— Одамларди билмадим, қишлоқ
ўқийди. Акангди китоби чикса отангга
худо беради. Уйма-уй тарқатиб чиқади.

“Ўқинг, бизни улнинг китоби чиқиб-
ди...” Ўқимганингга ҳам қўймайди. Ту-
нов кўни маҷитдаги қолларга тарқатди.

— Сиз ҳам олдингизми, бова? —
дейман ўзимни базўр туттиб.

— Менга биринчи бўлиб олиб келиб
берибди. Бир сўзини ҳам қолдирмайман,
— чол бироз юмшайди. — Яхши. Ле-
кин кейинги ёзганлари одамлардан ан-
ча узоқ, анча бегона-да.

— Нима деганингиз бу,
бова?

— Деганим шу, чин ҳаёт-
дан узоқлашгандай бола...

— Нега?

— Олдинлари содда, тушунарли,
қўнғилга яқин қилиб ёзарди. Кейин, шу
ўзининг қуртига, тупроғига нима дейди,
халиги, қишлоқ одамларига жуда яқин,
томирлош бўлиб ёзарди.

— Ҳозир-чи? — дейман бўғилиб.

— Аллакаердаги Москваю Па-
риж-марижлардаги воқеаларни ёзади-
ми-ей, ўрис аёллар ҳақида гапирди-
ми-ей...

Бова юзини ховуз томон бурди.

— Бова энди ҳар қимнинг ёзиш йў-
ли бўлади дейишадиган-ку, услуб дейиша-
дим-ей...

— Услуб ҳамма нарсанда бор. Сенда
йўқми?

— Мен... Менда, бизда, бор, бошқа-
чарок. Билсангиз, математика адабиёт-
дан фарқ қиларди.

— Бўлса бордир. Лекин, мана, бой-
сунлик Шуккур Холмирзаев... Шу одам
менинг жўрам эди. Умр бўйи шу туп-
роқ, шу одамлар ҳақида ёзди.

— Бова, энди ҳар қимнинг ўз йўли
бўларкан-да.

— Йўли бўлгани яхши. Лекин бу
йўл одам ўзи қайтиб келадиган жойдан
узилиб қолмаслиги керак. Дунёга чиқа-
санми, ойга борсанми, ундан нарига-
ми, гапим шу! Мана, манами қайрағоч-
ча кета. Икки юз йилдан қўп вақт ўтди.
Қилг этмайди. Шохлари осмонни кўта-
раман дейди. Бунинг ушлаб турган, қуч
берган шу — илдири! Қайси йўлдан юр-
санг ҳам одамларнинг қўнғилига бориб
тушадиган йўлни таллаганинг маъқул.
Хуллас, Хусанбой, акангинг охириги
китоби менга унча маъқул келмади. Ўт-
ган кеча, ошна-пошнаси бўлса керак-да,
бир олим телевизорда чиқиб шу китоб-
ни роса мактади. Бир уялдим, бир уял-
дим. Ёлғон-ялғон энди китоб ишига ҳам
аралашибди-да, деб оғриндим.

Мен бўларимча бўлдим. Бари-
дан бир юзга айтилган гапнинг
ҳам захри бўларкан.

— Бова, энди мен бораёй.

Уйимизга хансираб-хансираб этиб
келдим. Энам югуртилаб пешвоз чиқа-
ди. Салкин мехмонхонага кириб узола
тушаман. Энам бечора қўли етти, оёғи
олти бўлиб дастурхон ёзади, емак та-
шыйди. Менинг эса елкам жижиллаб
оғрийди. Йўлда келатганимда Тўра

бованинг икки кўзи таъбиқ этиб ел-
камга қадалиб қолганини ҳис қилган-
дим, шу, елкам қўлиб оғрийапти.

— Эна, отам қаерда, — дейман син-
чик овозда.

— Сенга нима бўлди? Иссик ўтган-
га ўхшайди, — энам бошимни ушлай-
ди. — Отанг ҳамсоияни-да. Катта са-
моварини сўрагани чикувди. Сингил-
ларинг кечкурун келишади.

Насрулло ЭРГАШ

Бу воқеа минг тўққиз юз кўчк учинчи йилнинг 8 мартда содир бўлган эди. Ўшанда: "Бўлди энди, бу ёғи тамом, ҳеч нарсага ярамай, ҳеч кимга керагим бўлмай, бир чеккада қолиб кетаман!" деб ўйлаган эдим.

...Снарядлар портлайди, оловранг чанг-тўзон кўтарилади. Одамлар кулайди. Кулаган ерида тўлганди. Қолганлар автоматларидан олов сачратиб, олға силжишди. Ҳавода снарядлар учди. Лекин на уларнинг чийиллаши, на ботмонлаб тупрокни осмонга сочган поргашлар гумбири, на пулемётларнинг тариллаши, на ярадорларнинг инграши қўлғимга кирди. Худди овозсиз киннинг ўзи дейсиз. Ҳатто ўзим ҳам "Олга!" деб бақирганча югуриб кетяману, овозимни эшитмайман...

Шу кунга қадар ўзимни омадли ҳисоблардим. Уруш бошлангандики, жангларим. Не-не олов-оташли майдонлардан эсон-омон ўтиб келяман. Оғир атлетикачи эмасманми, олтинчи килоли пулемётимни елкалаб, "Олга!" "Олга!" дея хайқирганча ротани эргаштириб, жангга кириб кетавераман. Ўлимни писанд қилмайман. Москва, Сталинград, Курск ёйи, Орёл... "Ватан уруши", "Қизил Юлдуз" деган иккита орден ва "Жасурлиги учун" медали билан тақдирланганман.

Лекин ўша кун Орёл яқинидаги Красное кишлоқ учун бораётган жанг мен учун сўнгиси эканини ҳаёлимга келтирмаган эдим. Қишлоқ шу чоқкача олти марта қўлдан қўлга ўтган эди. Охири таваккал қилдим. Қишлоқдан Неруч дарёси айланиб ўтарди. Ўз ротам билан шу дарёни кечиб ўтиб, душманга орқа тарафдан ўқ ёғдирдик. Қўлимдан ҳужумдан рақиблар аввал саросимага тушишди. Кейин мадад кучи келди чамаси, дадилланиб қолишди. Бизнинг савимиз эса сийрақлашиб борарди. Аммо чекиниш ҳаёлимизга ҳам келмасди. Қадам сайин душманга яқинлашиб борардик. Бир маҳал шундоқ ёнгинамда снаряд портлаб, мени иттиб ташлади...

Кўзимни очиб чанг-тўзон қоплаган осмонни кўрдим. Тепамдан ўтиб бораётган баланд-баланд дархатларнинг шоҳлари яланғоч, совуқда дийдираб тургандай. Ўтибор берсам, қандайдир чанада кетяман. Бир пайт кўз ўнгимда кучли ўт чакнади. Аммо ҳеч нарса эшитмадим. Ўзим ётган чана-пана билан отилиб кетганимдан сездимки, кучли портлаш юз берди. Билмадим, миёнага дуч келдикми, снаряд келиб тушди-ми?.. Шуниси аниқ эсимдаки, кўз олдимда кип-қизил қон тусидаги олов ярқираб эди. Бу олов қотиб қолди-да, анчагача йўқолмади. Кейин эса ранг қуюқлашиб, қора тусга қира борди. Охири ҳаммаёқни қоп-қора зулмат тугди. Қолгани эсимда йўқ...

Онамнинг овози мени уйғотди.
— Ҳасанжон, тур болам, кўзингни оч. Оч, кўзингни!..
Кўзимни очмоқча уриндим. Қовоқларим зилдек, кучим етмади кўтаришга. Пайпаслаб кўрдим: юз-қўзларим ботлаб ташланган. Демак, жонсизлашган. Қўлоқларимни қимирлатдим: соппа-соғ. Хайрият... Бошимдан яраланибман чоғи — зиркиллаб турибди...

Кунлар ўтаверди. Ўтавериб зерикдим. Энди манови бинтларни ечиб ташлашча, ёруғ дунёни бир кўрсам... Кўнглимга гулгула тушди. Ҳамшира киз келган эди, кўрка-писа унга ёрилди. Ундан: "Бўлмасам-чи, Ҳасан, соппа-соғсан", деган жавобни кўтандим. Бирок ҳамшира жим қолди. Қўлларимдан охиста тугди. Шу ондаёқ баданим музлади. Юрагим орқамага тортиб кетди. "Бўлди, гапирма, бас!", дердим, овозим чикмасди. "Йўқ, айтгин, синглим, кўзларинг кўради, дегин, локал биттаси кўради, дегин!", дея унсиз бўзлардим. Ҳамшира киз ҳамон жим эди. Худди ўғлини овуатётган каби, қўлларимни силаб-сипайладим. Раҳми келаяпти менга. Балки йиғлаётгандир ҳам?.. Ҳа, энди бир умр шундай: менга ачиниб қарайдилар, менга ҳамдард оҳангда гапирдилар. Наҳотки, шу ҳолислар ўнгимда рўй бераётган бўлса? Бир умр доим кимнингдир етовига муҳтож бўлиб яшашим керакми? Қандай дахлат!

Демак, эрта бир кун жавоб беришди. Сен учун уруш тугади, Ҳасан, юртингга жўнагин, дейишди. Жўнайман. Ота-онам ҳузурга ошиқиб бораману уларнинг бағрига отиламан. Юз-қўзларидан ўпанам. Болалигимдан димоғимга ўтириб қолган таниш бўйларини хидлайман. Лекин ўзларини кўролмайман-ку! Шунда бир алашим олти бўлмайдимми?!

Уф-ф! Юрагим таре ёрилиб кетаяпти-я! Мунча зимистон-а! Эх, Худо, шунчалар гуноҳим қаттиқмидики, менга бундай тақдирни раво кўрдинг?! (Ўзи кечирсин.)

Кунларим ана шундай зил-замбил ҳаёллар ўротида ўтарди. Оллоҳ сабр бераркан, секин-аста кўника бордим. Ёнимда Анатолий Лопирин деган подполковник ётарди. Шу одамнинг таъсири кучли бўлди. У менга урушда шундай аянчли аҳволга тушган одамлар ҳақида гапириб берардики, беихтиёр: "Э, менинг ғамим уларнинг олдида ҳолва экан", деб юборардим. Хуллас, ахволни хйёл ўзгара бошлади. Палатада мотам тутиб ётавермай, аста-секин ҳовлига чиқадиган бўлдим. Суриштириб, ўзим пайпаслаб турник топдим. Эрматим шу бўлди. Қулай фурсат бўлдимки, чиканаму турникка осиламан. Турли машқлар бажараман. Жикка-жикка терга тушаман. Батзида ҳам-

ларимни енгиб, жами 222,5 килограммли маррани забт этдим. Энди зални дув кўчганини кўрсангиз эди. Кимсан — Ҳасан Исломов Республика чемпиони...

Албатта, онам ҳам бу хайрли ўзгаришлардан хурсанд эди. Аммо яна бир кўнгли тўлмаётган томони бор эди: тезроқ бошимни иккита кип қўймоқчи, орзу-хавас кўрмоқчи эди. Мен эса бу масалада шовилмаётгандим, тўғриси, юрагим бетламаётганди. Қайси бир соппа-соғ киз мендек ногиронга турмушга чиқишга рози бўларди, дердим. Йўқ, бир тирик жонга жабр қилмаслигим керак... Лекин онам бир кун очикчасига масалани ўртага қўйди: "Кўшимиз Олия ҳолангнинг бир жия бўлмиши бор экан. Шу кизни кўрдиму ҳаёлимдан кетмай қолди. Бирам одобли, ҳаёли, хусини айтмайсанми. Сочи тақи-

ял-ял ёниб кетган юзларига, онам таърифлаган қаро кўзларига қанчалар термулгим келганди-я!..

Яқинда мен учун борлигини фидо қилган Махфузани, эллик йиллик ёстиқдошимни тупрокка бердим. Дийдор киёматга қолди... Махфузандан ёлғор тўрт азамат ўғлим, бир оқила кизим бор: Муҳаммад

Амин, Муҳаммад Раҳим, Бахтиёр, Аббос, Матлуба деб исм қўйганмиз уларга.

Муҳаммад Амин ўзимдек штанга бўйича, Бахтиёр ўғлим бокс бўйича спорт устаси. Ўттиздан ортиқ невар, чевараларим бор. Қанчалик ширин улар. Аммо бу жигарбандларимнинг маъсум чехраларини фақат тушларимда кўраман, ҳа, фақат тушларимда... Йўқ, мен йиғлаётганим йўқ. Ҳаётимда йиғламаганман. Менинг юрагим, кўнглим йиғлайди баъзан. Қолаверса, ҳаётда тўқис одам кам бўлади. Тўқисман, тўрт мучам соғ деган баъзи касалар борки, калби сўқир, кўнгил кўзи беркирган бўлади. Бундай кўрликдан асрасин...

Дарвоқе, мен эришган нарсалар... Ҳар ҳолда толеймдан розиман. Устозим Мито Азарович билан бетиним машқлар қилиб, тер тўкиб, курашиб эришган натижаларим шу бўлдики, тўрт марта штанга кўтариш бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлдим. Айтишларича, бу ҳодиса, яъни кўзи оғир одамнинг соғлар орасида бундай натижага эришуви жаҳон спорт тарихида учрамаган экан.

Ўзбекистоннинг соғлар терма командаси сафида Москва, Тбилиси, Горький, Рига шаҳарларида бўлиб ўтган собик иттифок мусобақаларида катнашдим. Чемпион бўлмаган эсам-да, ҳар ҳолда командадошларимни уялтириб қўямдим, ўзбек спорт тарихида биринчи бўлиб спорт устаси унвонига сазовор бўлдим. Бир қанча шоғирдлар тайёрладим. Бир муддат Тошкент шаҳар оғир атлетика федерацияси ҳайъатига жамоатчилик асосида раислик қилдим. Ўша йили менинг номимда ёш штангчилар соврини таъсис этилди. Тўқсон учинчи йилдан эътиборан, у халқаро совринга айлангирди. Домла Ғайратий ташкил этган Эски Жувадаги адабий тўғаракка мен ҳам уш йил катнаганман. Шеър, хикоялар машқ қилганман. Бир қанча хотира-киссаларим китоб бўлиб чиқди. Низомий номдаги педагогика институти кечки бўлимни тугатиб, кейин кўп йиллар Кўзи оғирлар жамоатчилиги қарашли хунар-техника билим юртида дарс бердим. "Бир сафда" журнали тахрир хайъати аъзоси бўлдим. Айниқса, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасидек мўътабар жамога қабул қилишгандан бошим осмонга етди. Киночиликнинг мен ҳамимда "Қаро кўзим", телевидение ижодкорлари "Шукрона" деган фильмлар яратишган... Йўқ, биродарлар, мен бу гапларни бирова писанда қилиб ёки мактабни айтаятганим йўқ. Баъзан менга ўхшаган одамлар ҳақида гап кетса, жиндай ошириб юборишарди. Бу одам ўз иродаси, матонат билан барча машаққатларни енгиб ўтди. Ўз тақдирини ўзи яратди... деб. Бу унчалик тўғри эмас. Бир донишманд таъбирича, одам боласи ўз яратилишига қўра чумчуқдан ҳам, аридан ҳам лаёқатсизроқ экан. Дарҳақиқат, чумчуқ боласи йигирма кунда бу ёруғ дунёга мослашиб, ўз кунини қўриб кетади. Аммо одамизод йигирма йил деганда бунга эришди, ўшанда ҳам Худо хоҳласа. Шундай экан, эришилган ютуқдан қирблангил, ҳаволаниб кетиш яхшиликка олиб бормади. Оллоҳ тақабурни севмайди. Демокчанми, мен ногирон бўла туриб, Ҳасан Исломоним оз-моз элга танилган экан, бу ҳаммаси Худойи меҳрибоннинг марҳаматидан. Олис кечаларда Ўтамга йиғлаб қилган илтижоларим, Ундан ва фақат Ундан мадад сўраганларим натижасидир. Лекин яна бир нарса борки, фақат дуо илтижо билан иш битмайди. Қуръонни қаримда таъкидланганидек, инсон нимагаки эришса, ўз саъй-ҳаракати билан эришади. Курашмаса, интильмаса, умри зое кетиши аниқ.

Яна айтмоқчи бўлганим, менинг бу изтиробларим ҳаммаси уруш туғайли. Эх-хе, бу лаънат уруш мендларининг неча бирини набууд этди, қанчасини майиб-мажруҳ этди. Шунинг учун мен ҳар бир хотиржам ўтган, тинчликда ўтган кунни Оллоҳнинг неъматиде, деб биламан. Эришганимиз Истиқлол эса неъматларнинг олийси. Бунинг шукрини қилиш, қадрига етиш керак, болаларим, қадрига етиш керак!..

Орикул ЭРГАШ

МАТОНАТ

ёхуд

жасур жангчи, афсонавий спортчи, заҳматкаш
ёзувчи Ҳасан Исломов (1918 – 2000 й.) монолоғи

шира койиб, қақириб олмагунча, палатага кирмайман. Хуллас, дардим бир мунча енгиллашди.

Вакт-соати етиб, Оллоҳ тақдир этган кунни уйга қайтдим. Туғишганларим бағридаман. Лекин руҳим тушқун. Ахир, шунча йил олисларда юриб келсам-да, соғинганларим дийдорини кўролмасам!.. Онанзорим, отажоним нечук ҳолатда бўлишса экан? Сочлари оқариб, ажинлари кўпайиб қолгандир. Э, воҳ, улар ёнгинамда юзларини, дийдорларини тушларимдагина кўраман!.. Бу қандай бедодлик?! Уларнинг белги қувват бўлиш ўрнига дардисар бўлиб ўтирибман...

Ҳеч ерга сўғмасдим. Уйга кирардим, ҳовлига чиқардим. Асабийлашардим. Бир кун онам насихат қилиб қолдилар.

— Болам, кўп қуёнаверма, Худо ўзи бир йўлга бошқариб қолар.

Ростданам шундай бўлди...
Бир кунни жияним етовиде собик тренерим Мито Мкуртумяннинг уйига бордим. У ахволимни кўрдую сир бой бермади. Ҳар ҳолда менга шундай туюлди, чунки кўзим ҳақида гап бўлмади-да.

— Хўп, Ҳасан, энди келган жойимиздан бошлаймизми? — деди.

Бош эгиб туравердим.

У елкаларим, билаларимни сиқиб кўрдиди-да:

— Ҳасан, зўрсан-ку, — деди. — Мушакларинг тошдай. Хуллас, формадасан. Ҳеч иккиламмай бошлайверамиз.

— Мито Азарович, мен илгариги Ҳасан эмасман... — деган эдим, койиб берди.

— Тўғри, сен илгариги Ҳасанга ўхшамаяпсан, пессимист бўп қопсан. Уят эмасми, сендай полвон йигитга! — Кейин юмшаб давом этди: — Бехуда гапни қўй, сенда куч-қувват бор, ирода бор. Кўзга келсак, — у илк бор кўзимдан гап очди. — Кўзга келсак, у штангист учун кўп ҳам зарур эмас, — деди қўлиб.

Аслида мен Мито Азарович олдида шундай бир далла излаб келгандим ва уни топганимдан суюнардим.

Машқларни бошлаб юбордик. Мито Азарович ҳовлимизга штанга келтирди. Турли мосламалар ясаб берди. Ҳар кун спорт залидаги шоғирдлар билан машғулот ўтказгач, уйимизга келади. Завқ-шавқ билан машқ қиламиз. Айни чоғда бошқа бир устозим кўмағида брайлча — игна билан ёзишни ҳам ўргана бошладим. Руҳан тетик, кайфият кўтаринки, юрагимда аланечук ширин туйғулар, орзулар уйғона бошлаган...

1945 йил августи. Фарғонадаги офицерлар уйининг томоша залида оғир атлетика бўйича мусобақалар ўтапти. Мусобақаларим биз енгил вазнлилар бошлаб беришимиз керак эди. Етти киши эканмиз. Сахнага мени тақлиф этишди. Мито Азарович кўлтигимдан олди. Зал сув қайтариб суюқта чўмди. Сабаби тушунарли, мен қора кўзойнакда эдим. Мито Азарович билганимни сиқиб қўйдию ортига қайтди. Штангани секин оғим билан туртиб қўриб, мўлжал олдим-да, энгашдим... 80 килограмм! Дастлабки ғалаба! Мендан олдингилар 77,5 килоли маррага етган эдилар. Бу ёғи осон кўчди, кейинги икки курашда ҳам рақиб-



мини ўпади. Қўл-оғи бирам чакқон, ўзи шунақанги ширинки, қўяверасан. Бир кўрғандаёқ юрагимга олов тушди. Менинг Ҳасанам шунга уйланса, бахтини топади, дедим. Олия ҳоланга оғиз солган эдим, аввал Ҳасанжоннинг кўнглини билинг, у нима деркин, деди. Хўш, нима дейсан, болам?..

Мен ўйлаиб қолдим. Кейин онамнинг кўларидан тутиб, гап бошладим: "Онажон, сиз ўша кизни жуда чиройли деясиз-а", дедим. "Ҳа, ҳа, жудаям, яқин ўртада бунақа кўхликкина кизни кўрмаганман", деди онам жонланиб. Мен яна жим қолдим. Кейин алам ва оғрик билан дедим: "Ўша чиройли кизга қандай қилиб, менинг кўзи оғир бўлмагунча турмушга чиқасанми, дейсиз?" Онам довлдираб қолди: "Вой, Ҳасанжон, нималар деясан, сендан бошқа кўзилдан ажралган йўқми, сен урушда йўқотдинг кўзингни. Бу сенинг айбинг эмас-ку! Хўп, бўлмаса, сенга ўзингга ўхшаган ногиронини олиб беришим керакмиди", деди онамизорим йиғламоқдан бери бўлиб. Мен жим қолдим. Онам аён ҳақиқатни айтган эди... Шундан кўп ўтмай у мени бағрига босиб қутлади. "Болам, бошингга кўнаётган бахт қушинг муборак бўлсин", деди. Кейин яна таърифлаш кетди... Қош-қўзи муздай, мўй-миласи бундай. Менга бу таърифлар эмас, балки кизнинг ўз тилидан иккори, розилигини эшитиш муҳимроқ эди.

Махфуза билан учрашдик. Қизнинг майин овози, ибони қулишлари, ундан келаятган ифторлар мени сархуш этди. Лекин рўй-рост гапирдим. Огоҳлангирдим. Ҳали ҳам кеч эмас, ўйлаб кўринг, дедим. Шу гапларни тилим сўзлаётгани аммо дилим...

Махфузaxon катта-катта, чиройли ватадалар бермади, бир оғизгина сўз айтди: "Ҳасан ака, мен ҳаммасини ўйлаб кўрганман", деди, холос. Аниқ тасаввур қилдим: бу гапларни у ердан кўз узмай, юзлари лоладай қизариб айтди. Ушбу бир қалима замирида мен жуда кўп айтилмаган эзгу ниятларни уқдим. Мен сархуш эдим ва сўнгги йилларда илк бор ўзимни тўқис ва бахтли инсондай ҳис этдим. Янглишмаган эканман, ҳаётда нимагаки эришган бўлсам, бу ҳаммаси Оллоҳ менга йўлдош этган Махфузaxon туғайлидир.

Тасаввур қилинг, азизлар, ўшанда Махфузaxon бош эгиб: "Ҳасан ака, мен ҳаммасини ўйлаб кўрганман", деганида, унинг

ял-ял ёниб кетган юзларига, онам таърифлаган қаро кўзларига қанчалар термулгим келганди-я!..

Яқинда мен учун борлигини фидо қилган Махфузани, эллик йиллик ёстиқдошимни тупрокка бердим. Дийдор киёматга қолди... Махфузандан ёлғор тўрт азамат ўғлим, бир оқила кизим бор: Муҳаммад

Амин, Муҳаммад Раҳим, Бахтиёр, Аббос, Матлуба деб исм қўйганмиз уларга.

Муҳаммад Амин ўзимдек штанга бўйича, Бахтиёр ўғлим бокс бўйича спорт устаси. Ўттиздан ортиқ невар, чевараларим бор. Қанчалик ширин улар. Аммо бу жигарбандларимнинг маъсум чехраларини фақат тушларимда кўраман, ҳа, фақат тушларимда... Йўқ, мен йиғлаётганим йўқ. Ҳаётимда йиғламаганман. Менинг юрагим, кўнглим йиғлайди баъзан. Қолаверса, ҳаётда тўқис одам кам бўлади. Тўқисман, тўрт мучам соғ деган баъзи касалар борки, калби сўқир, кўнгил кўзи беркирган бўлади. Бундай кўрликдан асрасин...

Дарвоқе, мен эришган нарсалар... Ҳар ҳолда толеймдан розиман. Устозим Мито Азарович билан бетиним машқлар қилиб, тер тўкиб, курашиб эришган натижаларим шу бўлдики, тўрт марта штанга кўтариш бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлдим. Айтишларича, бу ҳодиса, яъни кўзи оғир одамнинг соғлар орасида бундай натижага эришуви жаҳон спорт тарихида учрамаган экан.

Ўзбекистоннинг соғлар терма командаси сафида Москва, Тбилиси, Горький, Рига шаҳарларида бўлиб ўтган собик иттифок мусобақаларида катнашдим. Чемпион бўлмаган эсам-да, ҳар ҳолда командадошларимни уялтириб қўямдим, ўзбек спорт тарихида биринчи бўлиб спорт устаси унвонига сазовор бўлдим. Бир қанча шоғирдлар тайёрладим. Бир муддат Тошкент шаҳар оғир атлетика федерацияси ҳайъатига жамоатчилик асосида раислик қилдим. Ўша йили менинг номимда ёш штангчилар соврини таъсис этилди. Тўқсон учинчи йилдан эътиборан, у халқаро совринга айлангирди. Домла Ғайратий ташкил этган Эски Жувадаги адабий тўғаракка мен ҳам уш йил катнаганман. Шеър, хикоялар машқ қилганман. Бир қанча хотира-киссаларим китоб бўлиб чиқди. Низомий номдаги педагогика институти кечки бўлимни тугатиб, кейин кўп йиллар Кўзи оғирлар жамоатчилиги қарашли хунар-техника билим юртида дарс бердим. "Бир сафда" журнали тахрир хайъати аъзоси бўлдим. Айниқса, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасидек мўътабар жамога қабул қилишгандан бошим осмонга етди. Киночиликнинг мен ҳамимда "Қаро кўзим", телевидение ижодкорлари "Шукрона" деган фильмлар яратишган... Йўқ, биродарлар, мен бу гапларни бирова писанда қилиб ёки мактабни айтаятганим йўқ. Баъзан менга ўхшаган одамлар ҳақида гап кетса, жиндай ошириб юборишарди. Бу одам ўз иродаси, матонат билан барча машаққатларни енгиб ўтди. Ўз тақдирини ўзи яратди... деб. Бу унчалик тўғри эмас. Бир донишманд таъбирича, одам боласи ўз яратилишига қўра чумчуқдан ҳам, аридан ҳам лаёқатсизроқ экан. Дарҳақиқат, чумчуқ боласи йигирма кунда бу ёруғ дунёга мослашиб, ўз кунини қўриб кетади. Аммо одамизод йигирма йил деганда бунга эришди, ўшанда ҳам Худо хоҳласа. Шундай экан, эришилган ютуқдан қирблангил, ҳаволаниб кетиш яхшиликка олиб бормади. Оллоҳ тақабурни севмайди. Демокчанми, мен ногирон бўла туриб, Ҳасан Исломоним оз-моз элга танилган экан, бу ҳаммаси Худойи меҳрибоннинг марҳаматидан. Олис кечаларда Ўтамга йиғлаб қилган илтижоларим, Ундан ва фақат Ундан мадад сўраганларим натижасидир. Лекин яна бир нарса борки, фақат дуо илтижо билан иш битмайди. Қуръонни қаримда таъкидланганидек, инсон нимагаки эришса, ўз саъй-ҳаракати билан эришади. Курашмаса, интильмаса, умри зое кетиши аниқ.

Яна айтмоқчи бўлганим, менинг бу изтиробларим ҳаммаси уруш туғайли. Эх-хе, бу лаънат уруш мендларининг неча бирини набууд этди, қанчасини майиб-мажруҳ этди. Шунинг учун мен ҳар бир хотиржам ўтган, тинчликда ўтган кунни Оллоҳнинг неъматиде, деб биламан. Эришганимиз Истиқлол эса неъматларнинг олийси. Бунинг шукрини қилиш, қадрига етиш керак, болаларим, қадрига етиш керак!..

Орикул ЭРГАШ

Яхё ТОҒА

МЕВАЛАР ШЕВАСИ

(Топишмоқлар)



Мевасини
Хуш кўрар
Ўғри
Қораялоқлар.

Боғ аро
Бошқачарок
Шакланган
Бул "тузум"...
Сал қизил,
Сал қорарок —
Шигил

Бир шога
занжир

Узмай тур
Кўкитириш,
Банди,
Япроғи ранжир.

Бири бирдан
Ширин
Саригу қора

Эртангишар
наб

Қирқ кун тўлиб,
Тўлмай гоҳ,
Етилар
Ғуж-ғуж ғужум.

Ҳали етилмай,
Бирок,
Болалар
Бошлар ҳужум.
Япроғини
Туш кўрар
Оғилдаги
Улоқлар.

Мунг-мунг

Шивирғони
Сингари,
Қир-адирга экилмиш.
Хусайнидан илгари,
Шира бойлаб
Етилмиш.

Уругсизлиги сабаб,
Қизил китобга кирмиш.
Қатта эканмиш талаб,
Майизи бозоргирмиш.

Чиллақидай
"Дўқай"дан,
Ўн беш кун
Кейин пишмиш —
Қаламчадан кўпайган
Оқ, қора, қизил

Шиил совут

Яшнамоқдир
Шеваси,
Япроғи
Яшил совут.

Шарбатю
Мевасини
Шифобахш тилсим
Ш....!

ЭЪЛОН

"Respublika mulk markazi" MCHJ "Toshkent mintaqaviy filial" бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этди!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси С.Ю.Юнусовга тегишли, Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани М.Улугбек кўчаси манзилида сақланаётган "Эсперо" русумли давлат рақами 01/226 АВА, 1993 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз, бошлангич баҳоси — 22 329 100 сўм автотранспорт воситалари тақроран қойилмоқда.

Аукцион савдолари 2019 йил 13 сентябрь соат 11:00 да ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишининг охири мулдат: 2019 йил 11 сентябрь соат 18:00. Автотранспорт воситаси шу кунни сотилмаган тақдирда, тақрорий савдога 2019 йил 20 ва 27 сентябрь кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2019 йил 20 сентябрь савдолар учун 18 сентябрь соат 18:00; 2019 йил 27 сентябрь савдолар учун 25 сентябрь соат 18:00 да тўхтатилади. Талабгорлар зақалат келишув шартномасини имзолаб, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини ХАТБ "DAVR-BANK" Бош Амалиётлар Бошқармасидаги хисоб-рақамга: 2260 4000 8005 7145 2003, МФО:00981, ИНН:200 933 850 тўлашлари шарт. Савдо гоилибига 20 банк кунни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Аукцион савдоси